

А Ж Р И М

(жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақида)

2023 йил август ойининг 23 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судининг очик сайёр суд мажлиси Фарғона тумани Хуроба маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, раислик қилувчи А.Эргашев, П.Джўраевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона туман прокурори ёрдамчиси М.Эрматов, гумон қилинувчининг ҳимоячиси-адвокат Ш.Абдураззакова, жабрланувчи М.Мадаминов ва гумон қилинувчи М.Исмоиловларнинг иштирокида,

Гумон қилинувчи Исмоилов Миржалол Иқболжон ўғли (Ismoilov Mirjalol Iqboljon o'g'li) - 1991 йил 11 октябр куни Фарғона вилояти, Фарғона туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, “Фарғона ёғ-мой” АЖда ҳисобчи, муқаддам судланмаган, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, Фарғона тумани, Хуроба м.ф.й., Қадрдон кўчаси, 68-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан гумон қилинган Исмоилов Миржалол Иқболжон ўғли (Ismoilov Mirjalol Iqboljon o'g'li)га нисбатан 1-1502-2301/306-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Гумон қилинувчи Исмоилов Миржалол Иқболжон ўғли 2023 йил 20 июнь куни соат 19⁰⁰ ларда таниши Мадаминов Музаффар Муроджон ўғли билан ўзаро пул олди-бердиси юзасидан жанжаллашишган, жанжал давомида М.Исмоилов М.Мадаминовни қасддан уриб, тан жароҳати етказган.

Суд тиббий экспертизасининг 2023 йил 3 июлдаги 4264-сонли хулосасида, М.Мадаминовда пешона суяги чап томондан олди деворини ботиб синиши ва медиал суягини олд юзаси ҳамда чап орбита юқори деворига ўтиши, бош мия чайқалиши, кўз олди соҳалари юмшоқ тўқималари лат ейиши, чап кўз қовоқларида қонталаш, чап кўз қовоқда лат еган яралари аниқланиб, оғирлик даражаси узоқ (21 кундан кўп) муддатга соғлиғини бузилишига олиб келиши ва шу белги асосида ўртача оғирликдаги соғликни бузилишига сабабчи бўлган шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Гумон қилинувчи М.Исмоилов судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам М.Мадаминов билан 2023 йил 20 июнь куни соат 19⁰⁰ ларда Фарғона тумани Хуроба м.ф.й. марказида ўзаро пул олди-бердиси юзасидан жанжаллашишганини, жаҳл устида М.Мадаминовни юз қисмига уриб, унга тан жароҳати етказганини, жабрланувчини даволанишига моддий ёрдам берганини, етказилган моддий зарарни қоплаб, жабрланувчидан кечирим сўраб, ўзаро ярашиб олганини, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.



Жабрланувчи М.Мадаминов судга тақдим қилган аризаси ва суддаги кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 20 июнь куни соат 19⁰⁰ ларда Фарғона тумани Хуроба м.ф.й. марказида М.Исмоилов билан ўзаро пул олди-бердиси юзасидан жанжаллашишганини, М.Исмоилов уни юз қисмига уриб жароҳат етказганини, ҳозирда соғлиги яхшилигини, М.Исмоилов моддий томондан ёрдам берганини, етказилган моддий зарарни қоплаганини, М.Исмоиловга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, М.Исмоилов билан ўзаро ярашиб олганликлари сабабли М.Исмоиловга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўраб, суд ярашув тўғрисидаги аризасини қаноатлантирса, жиноят ишини қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида ушбу Кодекс 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида жабрланувчи Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда, жиноят иши суд томонидан айблилиқ ҳақидаги масала ҳал қилинмай тугатилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Суд, жабрланувчи ва гумон қилинувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, туман прокурори ёрдамчиси М.Эрматов ва адвокат Ш.Абдураззақованинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи М.Исмоиловнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳиши билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан М.Исмоиловнинг айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмасдан, жиноят ишини тугатишни, М.Исмоиловни жинойий жавобгарликдан озод қилишни;

Шунингдек суд, жабрланувчи М.Мадаминовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишни тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84, 423, 586-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинган Исмоилов Миржалол Иқболжон ўғли (Ismoilov Mirjalol Iqboljon o'g'li)га нисбатан ЖКнинг 66¹-моддасини қўллаб, унга оид жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилиб, у жинойий жавобгарликдан озод қилинсин.



Жабрланувчи М.Мадаминовга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кунлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судига хусусий шикоят қилишга, прокурор хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Эргашев

нусхаси аслига тўғри,
Жиноят ишлари бўйича
Фарғона туман судининг раиси

А.Эргашев

